

DEVELOPMENT OF PHILOSOPHY, CREATIVITY AND CREATIVE THINKING

Ж. Рўзиев,

Самарқанд давлат чет тиллар

институту тадқиқотчиси

(Тел: +99897 288-54-14)

Abstract

The main objective of this article is to increase the convenience and quality of education, the social-philosophical problems of education and the formation of creative thinking are analyzed as the main objective of the state policy of the society and its every citizen.

Keywords: teaching, teaching philosophy, creative, creative thinking, fan, Methodological method, object, aql, innovation, construction, world.

Introduction

Бугунги кунда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва талабаларда ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётган экан, бизнинг таълим тизимимизни ҳам замон талабига мослаб ўзгартириш, эскича дунёқарашдан воз кечган ҳолда ўқитувчилар ва ўқувчиларга танқидий фикрлаш, таҳлил қилиш йўриқларини ўргатиш орқали улар орасида соғлом маънавий рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Зеро, ўқувчи ёшлар орасида рақобат муҳитини шакллантириш кўп жиҳатдан уларнинг креативлиги билан боғлиқдир, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бир хил фикрловчи жамоа доимо орқада бўлади. Ўзгача ўйловчи, ҳар бир ҳолатга оптимистик руҳда ёндашувчи, креатив тафаккур тарзи ривожланган кишилар жамоасини шакллантириш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ёшларимиз ўртасида креатив фикрлашни юксалтириш орқали соғлом маънавий рақобат муҳитини шакллантиришга эришиш мумкин. Бунинг учун уларга рақобат муҳитини яратиш, дарсларни эски мактаб қолибидан олиб чиқиб, эркин фикр тамойилига асосланган ҳолда олиб бориш талаб этилади.

Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади. Креативлик сўзи (инглизча «create» – яратувчанлик, ижодкорлик) сўзидан олинган бўлиб, инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истейдод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принципиал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил омили сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир¹.

“Креативлик” атамаси биринчи марта XX асрнинг 50-йиллари охирида Ғарб психологиясида пайдо бўлган бўлиб, у одамнинг янги тушунчалар яратиш ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилиятини англатиши асосланган. Креативлик шахсининг янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчанлик хислатидир. Бу тушунча ўз ичига мавжуд ёки янги муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, муҳим воқеликларни ғайримантикий англаш жараёни, натижаларни олдиндан кўра билиш, башорат қилиш кабиларни қамраб олади. Ҳар бир инсоннинг креатив тафаккур соҳиби эканлиги унинг фикрлаш тарзида, ижодий мулоқотида, ҳис-туйғуларини муносиб бошқариш намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит муҳим хусусиятларини тавсифлаш билан бир қаторда, ўзига хос зеҳни ўткирлик ва иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам талқин қилинади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантикий фикрлаш-эмоционал ҳолат таъсирида юз беради.

Креативлик тафаккурнинг шундай ижодий шаклики, у инсонга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимларни топишга имкон беради. Бундай ижодий тафаккур шакли курик, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўзга хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам беради. Креатив тафаккур соҳиби бўлиш бу ҳаётда бошқаларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўлиш демакдир. Масалан, бошқаларга қараганда қизиқарли ва мазмунли суҳбатдош бўлиш, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлардан оқилона ва ноодатий тарзда чиқиш демакдир. Креатив қобилиятларни фақат янги ғояларни яратишгина

¹ Одилжонов А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда креативликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий таълим / Современное образование. 2019, 5(78). –Б.65.

учун эмас, балки инсон ҳаёт тарзи ёки шахсининг ички ижодий имкониятларини ривожланишида муҳим ўрин тутди. Анъанавий таълим тизимидаги креативлик кўпроқ ахборотни ёдда сақлаш ва фактларни йиғишга асосланганлиги туфайли ҳам шахсининг креативлик қобилиятини етарли даражада ривожлантиришга қодир эмас.

Креативлик мантикий жиҳатдан ижодий тафаккурнинг ўзига хос шакли ёки ўзига хос усули бўлиб, бунда у кўпинча предмет ёки ходиса тўғрисида тўғри ижодий фикр юритиш, хулоса чиқариш, ижодий фикрлар изчиллигини таъминлаш каби вазифани бажаради. Креативлик ва ақл (интеллект)ни ажратиш талқин қилиш Сукротдан бошлаб, Афлотун, Арасту ва кейинчалик Кант, Гегель фалсафаларида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Ижодий жараёни Афлотун “руҳланиш” ва “илоҳий куч” атамалари орқали асослашга интилади. Унинг фикрича, “Шоир санъати ва билими билан ижод қилмай, балки илоҳий қувватдан ижод қилади”². Шундай қилиб, файласуф шоирона ижодни мистик назария орқали ривожлантиради. Бу назарияга биноан мусаввир бехосдан (беихтиёр) ва телбага ўхшаб ижод қилади. Бу ижод ходисаси ўз-ўзича ақлдан йироқроқда яъни қалбда пайдо бўлади. Мусаввир ва шоир ўзлари нима қилаётганларини билмай ижод қиладилар. Шунинг учун ҳам мутафаккир “Ҳақиқий ижод илоҳийликсиз бўлмайди”³ деган хулосага келади. Арасту эса “Инсон дунёнинг энг яхши ижодидир”⁴, деган ғояни илгари суради. Шунингдек, у ўзининг “Поэтика” асарида ижоднинг меъёрий қонунларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилади. Арастунинг фикрича, ижодий жараён инсоннинг субъектив фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Шу маънода, ижодий жараёни ақл ёрдамида ҳам билиш, англаш мумкин. Бундай муносабат Абу Наср Форобий қарашларида ҳам учрайди. Аллома фикрича, “Инсон моҳияти ақлда намоён бўлади”⁵. Бизнинг назаримизда, фалсафада ақл ғоясининг пайдо бўлиши – инсоният тафаккур тарихидаги энг муҳим ходисадир. Дарҳақиқат, борлиқ ва йўқликни, ҳақиқат ва фикр дунёсини бир-биридан ажратиш ақлий тажрибани назорат қилиш имкониятини

² Платон. Избранные диалоги. М.: Художественная литература, 1965. С. 161.

³ Платон. Собр. соч. в 4 т. М. Мысль, 1994. Т. 3. С. 432.

⁴ Қаранг: Платон. Диалоги: сборник / Платон; Пер. с древнегреч. ; Сост., ред. и авт. вступ. ст. А.Ф.Лосев; Авт. примеч. А.А.Тахо-Годи. - Москва : Мысль, 1998. - 607 с.

⁵ Форобий Абу Наср Фозил одамлар шахри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.-105 б.

беради. У шунингдек, воқеликдан ижодий ҳаёлни ажратишга, яширин нарсаларни муҳокамага олиб чиқишга имкон беради.

«Креативлик» тушунчаси «ижод» тушунчаси билан боғлиқ. Шахсининг ижодкорлик имкониятларини тадқиқ этишга бўлган ижтимоий буюртма креативлик муаммосининг алоҳида муҳимлигини белгилайди. Шахсий ижодкорликнинг динамик (ривожланиб, ўсиб боровчи) таснифланиши креативлик ва унинг асосий қирраларида акс этади. Бироқ, креативлик психология ва педагогика фанларининг белгиланган илмий категорияси бўлса-да, «креативлик» тушунчаси тегишли луғатларда муносиб дифференциясини топмаган ва ижод психологиясида етарлича аниқланмаган. Ўнлаб илмий ишларда илмий ижодкорликнинг у ёки бу қирраларига турлича ёндашиб, ҳар хил даражада қамраб олинаётганлигига қарамасдан, ҳозиргача на муаммонинг ўзига ва на унга тааллуқли бўлган амалий саволларга нисбатан ягона тўхтам мавжуд эмас. Ҳозирда, ривожланишнинг замонавий босқичида, мазкур анъаналари инсон факторининг ҳал қилувчи ўрнини белгиламоқда. Бу факторнинг феноменологиясида ижодкорлик унинг белгиланган асосини ташкил этади.

Креатив тафаккур, илгари фаолият мавзусига номаълум бўлган мақсадларга янги йўлларни қўйишни ўз ичига олади. Ушбу йўлларни мутлақо янги фикр элементларидан тўқиш, шунингдек, аллақачон дуч келган тузилмалардан янгиланган занжирларни тизимлаштириш мумкин бўлади. Креатив тафаккур ўзи ичига ақлий ва интеллектуал ҳаракатларнинг контцентрациясини олади. Шунингдек, фаолият субъекти маълум бир касбий билим ва тажрибага эга.

Креатив тафаккурнинг яна бир тузилмасини қобилият ташкил қилади. Қобилият ўзининг мазмун-моҳиятига кўра истеъдоддан фарқланади. Яъни бизнингча истеъдод кўпроқ ақл билан боғлиқ ходиса хисобланса, қобилият эса қалб билан боғлиқ бўлган маънавий-руҳий ходиса демакдир. Чунки истеъдод барча кишилар фаолиятида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қобилият эса кўпроқ айрим кишилар тоифаси фаолиятида акс этади. Истеъдод ва қобилият бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлсада, лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Шу маънода истеъдод ва қобилиятни ўйгун бўлиши инсонни маънавий баркамол бўлишга олиб келади. Истеъдод ва қобилиятни шакллантиришда

биофизиологик омиллар (жисмонан соғломлик. Мия фаолиятидаги бир маромдаги ўзгаришлар, хатто экологик муҳит ва бошқа шу каби табиий жараёнлар) ижтимоий муҳит (элита, зиёлилар. Ҳаётий тажрибаларга эга бўлган инсонлар. Мутахассислар, оила ва бошқа шу каби ижтимоий мунасабатлар), интуитив фаолият ва маънавий-руҳий поклик ўзига хос ўринга эга.

Креатив тафаккур ўзининг мазмун-моҳиятига кўра инсонни маънавий жиҳатдан етуклигини белгилаб беради. Бунда эса креатив тафаккурни тузилмасини ташкил этувчи маънавий унсурлар зеҳн, истеъдод ва қобилият катта ўринни эгаллайди. Келажак авлодни тарбиялашда айнан уларни креатив тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш ҳозирги кун учун муҳим зарурият ҳисобланмоқда. Ҳозирги давр илм-фани ҳулосаси ва ҳисоб-китобига кўра инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида атиги 300 га яқин киши даҳолар сифатида эътироф этилган. Жамиятда бундай тоифа инсонларни миқдор ва сифатини кўпайтириш унинг бугуни ва келажagini янада нурафшон бўлишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.